

ISSN : 3030-3974

# MAKON VA ZAMON

Пространство и время  
Space and time

2

2024

# MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,  
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

**2024/2 (№2)**

**M u a s s i l a r:** Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini  
mexanizatsiyalash muhandislari instituti» milliy tadqiqot universiteti  
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*  
*M.Abdullaeva, s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor*  
*R.Choriev, p.f.d., professor Z.Ismoilova, s.f.d. – A.Ravshanov.*

**ISSN 3030-3974**

**Bosh muharrir – tahririyat rahbari:**  
*Qiyom Nazarov - f.f.d., professor*

**Nashrga tayorlovchilar:**  
*M.Tursunova, Q.Kdirbayev*

**Tahririyat manzili:** Qori Niyoziy ko'chasi, 39,  
Toshkent shahri, 100000,  
Bichimi 60x84 Ofset qog'oz. "Times" garnituras.  
Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 300 nusxa

## ТАФАККУР ХАЗИНАСИДАН

*“Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир” дейдилар. Ўтмишни унутмаслик ва уни қадрлаш, тарих саҳифаларини бот-бот варақлаб туриш ҳар бир инсонга катта маънавий озуқа беради, замонлар силсиласи, воқеалар занжиси, умр мазмуни ва ҳаётнинг маъносини англашга хизмат қилади.*

*Шу сабабдан ҳам, тахририят журналнинг “Бош муҳаррир манбари” рукнидаги дастлабки саҳифаларини инсоният тафаккурининг улкан натижалари бўлган ва ижтимоий тараққиётга катта таъсир кўрсатган машҳур асарлар ҳақидаги мақолаларга бағишлашга қарор қилган.*

*Ушбу сонда умуминсоний тафаккур ва ўзбек фалсафасининг энг қадимги ва мумтоз намуналаридан бири бўлган қадимги туркий битиклар ҳақидаги мақола<sup>1</sup> чоп этилмоқда.*

### ТОШ БИТИКЛАР - ТУРКИЙ БИТИКЛАР

**Аннотация:** Ушбу мақолада туркий халқларнинг қадимги ёдгорликларидан бири, илм-фанда “Тош битиклар” номи билан машҳур осори-атиқалар ҳақида мухтасар маълумотлар берилган, уларнинг аҳамияти тўғрисида қисқа фикрлар билдирилган.

**Калит иборалар:** туркий халқлар, қадимги битиклар, тош битиклар, қадимий ёдгорликлар, мумтоз кадриятлар, маънавий мерос.

Биз яшаётган минтақа халқлари жуда қадимий ва ўлмас маданий ёдгорликларга, мумтоз маънавий меросга эга. Бу мерос бой халқ оғзаки ижоди намуналари, туркий, зардуштий, буддавий каби ёзма битиклар, Широқ, Тўмарис, Кунтуғмиш каби афсоналар, Алпомиш, Гўрўғли туркумидаги дostonлар, «Тоҳир ва Зухра», «Ошиқ Ғариб ва Шохсанам» каби кўплаб қиссаларда ўз аксини топган. Шу билан бирга, беҳисоб ҳикоялар, матал-масаллар, топишмоқ, кўшиқ каби тилдан-тилга ўтиб келаётган бой мерос ҳам бор. Ана шу улкан мероснинг бир қисми халқ оғзаки ижоди бўлса, иккинчиси қадимий-тарихий китоб «Авесто», учинчиси ёзма тамал тошлари — қадимги битиклар, тўртинчиси эса, шубҳасиз, алломаларимиз қолдирган манбалардир.

Бу жиҳатдан, юртимизда қадимда шаклланган мифологик фалсафа халқ оғзаки ижодига таянгани, тилдан-тилга ўтиб келаётган ушбу бой мерос фалсафий тафаккур сарчашмаси бўлгани шубҳасиз. Маълумки, ўзбеклар бошқа кўплаб халқлар билан бирга жуда қадим замонлардан вужудга келиб, жаҳон илм-фани, маданияти, фалсафаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, азалдан ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари, анъана ва кадриятлари, миллий менталитети билан ажралиб туради. Ана шу бой ва бетакрор мероснинг асл ибтидоси, миллий тафаккурга ҳаётбахшлик ва хурфикрлилик бағишловчи асосий омил - халқ оғзаки ижодидир. Фалсафий маънода, ҳар қандай халқ ижоди, санъати ва маданияти миллий фалсафанинг намоён бўлиш қиёфаси, адабиёти ва шеърияти эса унинг сўзлайдиган тили ва айтадиган сўзидир.

Минтақамиз халқларининг муштарак маънавий мулки, меросининг таркибий қисми бўлган ўзбек халқ мифологияси жуда бой ва рангба-ранг, ҳаёт ва тараққиётнинг ўзгарувчан қонуниятларига мослаша оладиган, ҳаётбахш ижтимоий ҳодисадир. Унда Она табиатни севиш, Ватанга муҳаббат, инсон қадрли, умр мазмуни, дўстлик ва оқибат, муҳаббат ва вафо, адолат ва оқиллик, ақл-заковат ва саъй-ҳаракат билан бахт-саодатга эришиш мумкинлигини катъий ишонч туйғулари ёрқин намоён бўлади.

<sup>1</sup> Мақола Қ.Назаров томонидан тайёрланган

Ўзбек халқи дунёдаги энг қадимги ва умумбашарий аҳамиятга молик маданият, илм-фан, тафаккур, тамаддунлардан бирига эга. У ана шу буюк маънавий-руҳий бойликнинг яратувчиси ва меросхўридир. Бу бебаҳо мероснинг муҳим таркибий қисми, бизгача кўплаб шаклларда ва хилма-хил тарзда «Қадимги туркий битиклар» деган умумий номда, асл қадимги туркий ёзувимизда етиб келган.

Тош ва ёзма бадий битигларнинг топилиши туркий халқлар тарихида янги даврни бошлаб берди. Марказий Осиёга арабларнинг келишига қадар яратилган ёзма адабиётни ўрганишда Ўрхун ва Энасой дарёлари ёқасидан топилган тош битиглар алоҳида аҳамиятга эга. Туркий халқларнинг бу адабий-тарихий ёдгорликлари VI-VIII асрларга оид бўлиб, улар турк руний ёзувлари деб юритилади. Туркийларда тош битиглар тарихи узоқ тарихга эга.

Ўтган асрнинг 70 йилларида Олмаотадан 50 километр узоқликдаги Эсик шаҳарчасидан топилган қабрдан Урхун алифбосидаги ҳарфлар битилган руний ёзувдаги тош битиг қўлга киритилган эди. Ёзув қадимги турк тамгаларида учрайдиган шаклларга асосланган бўлиб, унда қуйидаги сўзлар битилган. «Хоннинг ўғли 23 ёшида ўлди. Иссиқ элининг боши омон бўлсин!» Қабр қайси хонга тегишли эканлиги аниқланмаган бўлса-да, ёзув бундан 2500 йил муқаддам яратилгани исботланган. Демак, руний ёзувларнинг тарихи узоқ, бу ёзувда яратилган ёзма адабиёт ҳам шундай қадимийликка эгадир. Лекин муқаммал даражадаги тош битиглар қўлга киритилмаганлиги сабабли ёзма даврни милoddан олдинги даврлардан бошлашга ҳали вақт эрта.

Ушбу битиклар гарчи милoddан олдинги асрларга оид бўлса-да, уларда халқимиз тарихининг уч минг йиллик даврига оид тасаввурлари, тафаккури, турмуш тарзи, орзу-умид ва интилишлари, қадрият ва анъаналари, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, диний ва бадий қарашлари, умуман, тарихий ва маънавий хотираси ўз аксини топган. Улар XVIII, XIX ва XX асрларда кўплаб тадқиқотчилар томонидан Сирдарё, Амударё, Урхун-Енесей, Селенга, Талас, Норин, Дунай, Дон дарёлари бўйларидан ва бошқа ерлардан топилган, ҳамон топилмоқда. Тўнжук, Кул Тегин, Билга Ҳокон, Унгин, Моюн Чур, Уюк Тарлак, Уюк Туран, Элегеш, Бегра, Чақўл, Ачур, Олтинқўл, Уйбат ва Ирк битиклари шулар жумласидандир. «Ирк битиги» ва «Суварнапрахаса» номли санскрит матнининг туркчаси «Олтин Ёрук» қоғозда ёзилган ҳолида бизгача етиб келган. М.Исоқов, Н. Раҳмонов, А.Зоҳидов, К.Содиқов, Б.Абулғозиев каби мутахассисларнинг бу борадаги маълумотларига кўра, ушбу битиклар халқимизнинг ўша даврдаги дунёқарашини акс эттириб, уларда Ватани севиш, Она заминга садоқат руҳи устуворлик қилади. Халқимизнинг қадимий маданияти, илм-фани, фалсафаси, урф-одат ва қадриятларига оид дастлабки ва ишончли манбалари деворий суратлар, тош битик ва нодир қўлёзмаларда ўз аксини топган.

Бу ёдгорликларнинг топилиш тарихи, битикларнинг адабий-тарихий қиммати дарслик ва қўлланмаларда, бир неча илмий тадқиқотларда ўрганилган. Жумладан, Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (олий ўқув юртларининг тил ва адабиёт факултетлари учун дарслик), Б. Тўхлиевнинг «Ўзбек адабиёти» (9-синф учун дарслик), «Ўзбек адабиёти тарихи» (Беш томлик. 1-том), А. Қаюмовнинг «Қадимият обидалари», муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган «Қадимий ҳикматлар» ва бошқа асарларда ёритилган. Ўрхун ва Энасой битиглари жаҳон туркийшунослари эътибори қаратилган нодир ёдгорликлардандир. Қадимги туркий ёзувларни ўқиган биринчи киши даниялик профессор В. Томсондир. Шундан сўнг Р.Радлов, С.Е. Малов, С.Г. Кляшторний, И.В. Стеблева, Ҳ. Ўрхун, Т.Текин, Нажиб Осим, Г. Айдаров, ўзбек олимларидан А. Рустамов, Ҳ. Абдурахмонов, Н. Раҳмоновлар ўрганишган. Битиглар қадимги туркий тилдан ҳозирги ўзбек тилига ҳам ўгирилган. Бу жиҳатдан А.П.Қаюмов, Ҳ. Абдурахмонов, А. Рустамовларнинг хизмати салмоқлидир.

Ана шундай битиклар орқали Ўғузхон (Афросиёб)нинг Хитой сарой солномалари орқали бизгача етиб келган қуйидаги сўзларига эътибор беринг: «...Мен Ватанимни ўз ишким ўғрисига хор этмайман!.. Ватан фақатгина бизнинг мулкимиз эмасдир! Мозорда ётган ота-боболаримизнинг ва бундан кейин туғилажак авлод-аждодаларимизнинг бу муборак тупроқ устида ҳақлари бор! Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер

бермакка ҳеч кимсанинг ҳаққи йўқ... Ер давлатнинг асосидир; уни қандай қилиб тортик қилиб, бериб юбориш мумкин?!..” (Сима цянь. Ши-цзидан. Мил. ав.150-80й.)

Ўғзхоннинг бу сўзлари ёзилиши билан боғлиқ ривоятга кўра, қўшни подшолардан бири, ундан аввал сеvimли отини, сўнгра суюкли канизагини сўрайди. Тинчликни сақлаш ва қўшничилик алоқаларига путур етказмаслик учун бу талаблар бажарилади. Бундан қоникмаган қўшни подшо Ўғзхондан мамлакатининг энг четидаги кичик бир жойни ҳам беришни сўрайди. Юқоридаги сўзларда Ўғзхоннинг бунга нисбатан кескин жавоби, аслида келажак авлодларга Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унинг худудлари дахлсизлигини сақлаш зарурлиги тўғрисидаги васияти, ўғити яққол акс этган.

Балки баъзи мутахассислар миллий фалсафанинг тарихий илдизлари тўғрисидаги жиддий тадқиқотларда ривоятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, дейишлари мумкин. Аммо тарихнинг асл ҳақиқатларини вақт пардаси беркитгани, турли истилолар натижасида улар тўғрисидаги маълумотлар муттасил йўқ қилиб юборилавергани, Беруний бобомиз таъкидлаганидек, боскин сабабли халқимизнинг “эслаш қобилятига зўр бергани” этиборга олинса, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади.

Кул Тегин ҳокон (ваф.731 йил) халқимизнинг миллий руҳияти, самимияти, содда-ишонувчанлиги ва бу унинг тақдирида фожеали роль ўйнаганини тошга ўйдириб ёздирган: «...Эй халким, тўкис ишонувчисан, самимий, носамимийни ажратмайсан. Шундайлигинг учун тарбият қилган ҳоконинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг. Тангри ёрлақгани учун мен сизларга ҳокон бўлдим Йўқ, қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғаздим. Қашшоқ халқни бой қилдим. Оз халқни кўпайтирдим. Ё сўзимда ёлғон борми?! Беклар, халқ буни эшитинг! Халқни тўплаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрилганингни ҳам бу ерда ёздим. Нимаики сўзим бўлса, мангу тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билинг, халқ, беклар!..»

Гарчи Кул Тегин, Тунюқук, Билга Ҳокон битиклари нисбатан кейинги даврлар – 715-716, 731, 735-йилларда яратилган бўлса-да, уларда туркий халқларнинг тарихи, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, давлатчилик анъаналари, қонунчилик урф-одат ва маросимларига оид табиий-илмий, фалсафий қарашлари, таълимотлари, тафаккур услуби яққол ифода этилган.

Қадимги туркий битикларда давлатни, сиёсий ҳокимиятни Кўк тангри берса-да, давлатни қуриш, идора қилиш ва бошқариш инсон ақл-заковати, салоҳияти ва мақсадига боғлиқ деган, асл (оригинал) фалсафий, ҳуқуқий, сиёсий концепцияни кўрамаиз. Янги давлатни рисоладагидек қуриш, ҳокимиятни юритиш, идора қилиш ва бошқаришда халқ оммаси, шахс, айниқса, Кўк Тангри ярлақан туркий вакиллар – ҳоконлар, тархонлар, беклар ҳал қилувчи ўринга эга деган қараш устивор бўлган. Ҳокимиятни кўлга киритган ҳоконлар, тархон, беклар – 1) билим ва донолик, билан; 2) ақл-фаросат, хайри-саховат билан; 3) фаровонлик, тинчлик ва барқарорлик, зулм, адоват, низоларни одилонга ҳал этишлари асосий бурчлари талаб эканлиги уқдирилган. Кўк тангри қонунлар юбориб, уларни назорат қилмайди. Балки ҳоконлар адолатли қонунлар – ясоқ ва тузуклар таъсис этиб, ҳукмрон сулола вакиллари зиммасига, ижтимоий адолатни қарор топтириш лозимлиги ҳақидаги таълимот илгари сурилган. Зеро, фуқароларнинг қонунни ҳурмат қилиши, уни эътироф этиб, бўйсунтиришлари ҳукмрон сулола вакилларининг қонунни қанчалик ҳурмат қилишлари, эътироф ва риоя этишларига боғлиқ эканлиги қатъий уқдирилади.

Хуллас, қадимги туркий битиклар орқали халқ турмуш тарзи, руҳияти, маънавий қадриятлари, фалсафий қараш ва таълимотлари, туркий тафаккур усуллари ёзма равишда бизгача етиб келган. Улар Ватанмизнинг ислом келмасдан олдинги илм-фани, маданияти, фалсафаси тараққиётида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз. Шу билан бирга мазкур битиклар ёзма ижтимоий-фалсафий, сиёсий, давлатчилик, қонунчилик, диний-ахлоқий эътикод, урф-одат, анъаналаримиз ҳақида аниқ илмий, тарихий далил асосида маълумотлар бера оладиган манбадир.

Шуни афсус билан қайд этиш керакки, Ватанимиз тарихининг исломгача даври миллий фалсафа нуқтаи назаридан ниҳоятда кам ўрганилган. Турли босқинлар, мустахлакчилик ва мутаассиб тузумлар бунга йўл бермагани аниқ. Шу билан бирга, айнан ана шу босқинлар натижасида бу даврга оид манбалар, халқимизнинг жаҳон маданияти, инсоният тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган бой маданий мероси аёвсиз йўқ қилинган. Бу вайронкорликнинг бошида милoddан аввал Македониялик Александр турган бўлса, мамлакатимизни забт этган кейинги босқинчилар ҳам шу йўлдан борган. Улар халқ онгидан мустақиллик, озод ва эркин ҳаёт тўғрисидаги мақсад-муддаоларни, миллий дунёқарашимизга хос кўплаб фалсафий тушунча ва тамойилларни бутунлай йўқотиб юборишга уринишган.

Бунда айниқса, маънавий кадрият ва маданий бойликларни шафқатсизларча ғорат қилиш асосий ўринда турган. Юртимизда истилога қадар устувор бўлган фалсафий ғоялар, маънавий ва маданий дурдоналар кадрини яхши англайдиган, уларнинг аҳамиятини тушунадиган кишилар биринчи навбатда йўқ қилиб юборилган. Бунинг натижасида маънавий қашшоқ ва тарихий хотирасиз кишилар тарбияланиши лозим эди. Бу тўғрида Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асаридида куйидагиларни ёзган: "Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб ва буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди". Ушбу асарнинг бошқа саҳифасида улуғ ватанпарвар олим юқоридагига ўхшаш яна бир фикрни куйидагича ифода этган: "Қутайба хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларни куйдиргани сабабли улар саводсиз бўлиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар".

Беруний замонида ислом ягона ҳукмрон диний мафкура бўлиб турганини эътиборга олсак, зикр этилган асар ва ундаги теран фикрларни бу қадар ўқтамлик билан айтиш ғоят улкан жасоратни талаб этгани аён бўлади. Истилочиларнинг бундай вайронкор сиёсати кейин ҳам давом этган. Хусусан, Чингизхон босқини ва мустабид шўролар ҳукмронлик қилган даврда ҳам ана шундай ҳол рўй берди. Ниҳоятда бой кадриятларимиз, фалсафий таълимотларимиз, умуман ўз меросимиздан бебаҳра бўлиб қолдик, баъзи тушунча ҳамда атамалар, Авесто даври ва ундан кейинги минг йилликда яшаган кўплаб аллома ва мутафаккирларнинг номлари нафақат тилдан, балки дилдан ҳам чиқиб кетди ва бутунлай унутилди.

Бугунги кунда истиқлол туфайли аждодларимиз яратган бой ва ўлмас меросни ўрганиш, уни асраш ва келажак авлодларга омон етказиш имкони туғилди. Тарихий хотирани тиклаш, халқимиз қалбида миллий кадриятларга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳозирги кундаги маънавий ҳаётнинг устувор йўналишига айланди. Бу эса барчамизнинг зиммамизга улкан масъулиятини юклайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Ўзбекистон, 2023
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston", 2021
3. "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 07/21/5040/0243- сон.
4. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 ва 2 жилд. – Т.: Маънавият., 2023

## MUNDARIJA:

<b>Бош мухаррир минбари</b>	<b>Тафаккур хазинасидан: Тош битиклар - туркий битиклар</b>	2
<b>М.Бекмуродов</b>	Янги Ўзбекистон: фуқароларнинг тафаккур килиш салоҳияти	6
<b>З.Исмаилова</b>	Янги Ўзбекистон таълим тизимида сифат ва самарадорлик –	10
<b>Р.Чориев</b>	ўқитувчининг касбий маҳорати омили	
<b>Ў.Абилов</b>	Янги Ўзбекистонда кўп миллатлилиқ ва турмуш тарзи тамойиллари	16
<b>Н.Х.Ҳақимов</b>	Янги Ўзбекистонда олий таълим тараққиёти	20
<b>М.Қуронов</b>	Миллий тарбия - ижтимоий-тарихий, қонуний ва объектив жарён сифатида	24
<b>А.Нусеупова</b>	Yangilanaётган jamiyat rivojida ayollarning faolligi va oʻrni	29
<b>О.Шарипова</b>	Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг антропологик ва онтологик қарашлари	33
<b>Г.Н.Наврўзова</b>	Баҳоуддин Нақшбанд рубойларида уйғунлиқ масаласи	37
<b>Д.Амридинова</b>	Абдуқодир Шақурийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари	40
<b>Ш.Мадаева</b>	Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида миллий концептуал қарашлар	45
<b>Д.Норқулов</b>	Инсон фаолиятида вақтнинг ўрни ва роли	49
<b>С.Ҳамраев</b>	Янги Ўзбекистонда мулкдорлик тамойилларини ўрганишнинг фалсафий масалалари	52
<b>Б.Х.Джалилов</b>	Толерантлик – маънавий кадрият	56
<b>Х.Р.Тоҳтаев</b>	Aksiologiya qonunlari amaliyotini optimallashtirish va demokratik islohotlarni chuqurlashtirish dialektikasi	61
<b>А.Худайберdiyev</b>	Yoshlarning ma'naviy tarbiyasi va axborot madaniyatini yuksaltirish omillari	66
<b>С.Д.Нарқулов</b>	Янги Ўзбекистоннинг демократик тараққиёти ва этнотафаккурдаги янгиланишлар	71
<b>А. Юлдашев</b>	Хитойнинг марказий осий бўйича янги сиёсати (иқтисодий-сиёсий жиҳатлар)	74
<b>Г.Нишонбоева</b>	Маданиятшунослиқ мустақил фан сифатида	78
<b>З. Тилавова</b>	“Маданий тараққиёт динамикаси” тушунчасининг намоён бўлиш хусусиятлари	81
<b>В. Salimov</b>	Muhandis faoliyatida muhandislik etikasining ahamiyati	85
<b>Н. Мажидов</b>	Шахснинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш омиллари	89
<b>И.Норбўтайев</b>	«Миллий тикланиш» тушунчаси, унинг ижтимоий-фалсафий таҳлили	93
<b>Л.Махмудов</b>	Шахс камолотида миллат ва миллий мансублик омили	96